



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 31 » avgust

№ 480

Toshkent sh.

“Kinematografiya fidokori” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кино саноатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2021 йил 7 апрелдаги ПФ–6202-сон Фармони ҳамда “Тошкент халқаро кинофестивалини қайта тиклаш ва ўтказиш тўғрисида” 2021 йил 19 июндаги ПҚ–5151-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. “Kinematografiya fidokori” кўкрак нишони таъсис этилсин.

2. Қуйидагилар:

“Kinematografiya fidokori” кўкрак нишони тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

“Kinematografiya fidokori” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси тавсифлари 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлигининг буюртмасига асосан “Kinematografiya fidokori” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси тайёрланишини белгиланган тартибда таъминласин.

4. “Kinematografiya fidokori” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасини тайёрлаш ҳамда мукофотланганларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги ҳузуридаги Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши инобатга олинсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосари – туризм ва маданий мерос вазири А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “31” августдаги 480 -сон қарорига
1-илова

“Kinematografiya fidokori” кўкрак нишони тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Kinematografiya fidokori” кўкрак нишони (кейинги ўринларда – кўкрак нишони) билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Кўкрак нишони билан миллий кинематография соҳасини ривожлантириш, бадий ва ғоявий жиҳатдан етук фильмлар яратиш, миллий фильмларни маҳаллий ва хорижий кинобозорларда кенг тарғиб қилиш, соҳада замонавий ва жаҳон тажрибасига асосланган ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимларини жорий этиш ишларига муносиб ҳисса қўшган фуқаролар тақдирланади.

Кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш

4. Давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар кўкрак нишони билан тақдирлаш учун номзодлар бўйича таклифларни ҳар йили 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) тақдим этади.

Номзодлар бўйича тақдим этилган таклифларга номзод ҳақида маълумотнома ва унинг сўнгги уч йил давомида кинематография соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширган ишлари акс этирилган тавсифнома илова қилинади.

5. Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш учун Агентлик бош директори томонидан 5 нафардан иборат таркибда комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) тузилади.

Комиссия таркиби ва Комиссия тўғрисидаги низом Агентлик бош директори томонидан тасдиқланади.

6. Комиссия йиғилишида номзодларнинг тегишли ҳужжатлари ўрганилиб, ҳар йили 20 декабрга қадар энг муносиб номзодлар бўйича якуний хулоса қабул қилинади.

3-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби

7. Комиссия хулосаси асосида Агентлик бош директорининг кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи ҳар йили 25 декабрга қадар чиқарилади.

8. Кўкрак нишони ҳар йили 28 декабрь – Халқаро кино куни арафасида Агентлик бош директори (ёки унинг топшириғига мувофиқ бошқа масъул шахслар) томонидан тантанали тарзда топширилади (“Ипак йўли дурдонаси” Тошкент халқаро кинофестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита қарори билан бошқа муддатлар белгиланиши мумкин).

9. Кўкрак нишони билан тақдирланганларга базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти ва эсдалик совғалари берилди.

Бир йўла тўланадиган пул мукофоти ва эсдалик совғалари Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлигининг Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

10. Кўкрак нишони билан тақдирланганлар рўйхати Агентликнинг расмий веб-сайтида ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

11. Бир шахс кўкрак нишони билан бир марта мукофотланади.

12. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

13. Агентлик ушбу Низомга мувофиқ кўкрак нишонига тавсия этилган номзодлар ҳужжатларининг холис кўриб чиқилиши учун бевосита масъулдир.

14. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

“Kinematografiya fidokori”
кўкрак нишони тўғрисидаги низомга
илова

“Kinematografiya fidokori” кўкрак нишони билан тақдирлаш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар	Кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни Кинематография агентлигига тақдим этади	Ҳар йили 1 декабрга қадар
2-босқич	Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш бўйича комиссия	Кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича номзодлар ҳақидаги тегишли ҳужжатларни ўрганиб чиқади ва хулоса қабул қилади	Ҳар йили 20 декабрга қадар
3-босқич	Кинематография агентлиги бош директори	Кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисида Кинематография агентлигининг буйруғини чиқаради	Ҳар йили 25 декабрга қадар
4-босқич	Кинематография агентлиги бош директори (ёки унинг топшириғига мувофиқ бошқа масъул шахслар)	“Кинематография фидокори” кўкрак нишони билан тақдирлайди	Ҳар йили 28 декабрь – Халқаро кино куни арафасида

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “31” августдаги 480 -сон қарорига
2-илова

“Kinematografiya fidokori” кўкрак нишонининг ТАВСИФИ

“Kinematografiya fidokori” кўкрак нишони (кейинги ўринларда – кўкрак нишони) диаметри 34 миллиметрли саккиз бурчак шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Кўкрак нишонининг олд томони марказида қуёш фонида кинокамера тасвирланган.

Кинокамера остида ярим ой шаклида баландлиги 3 миллиметр бўлган “KINEMATOGRAFIYA FIDOKORI” сўзлари ёзилган.

Кўкрак нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг ўнг ва чап тарафларида иккита саккиз қиррали юлдуз жойлашган бўлиб, уларнинг юқори қисмида “MILLIY KINEMATOGRAFIYA RIVOJIGA” ҳамда пастки қисмида “QO'SHGAN HISSASI UCHUN” сўзлари айлана бўлиб ёзилган. Ҳарфларнинг баландлиги 2 миллиметр.

Кўкрак нишонининг қалинлиги 2,2 миллиметр. Тасвирлар ва ёзувлар қабарикдир. Кўкрак нишони олд ва орқа томонларининг четлари қабарик саккиз қирра билан ўралган.

Кўкрак нишони илгакчалар ва халқача ёрдамида тўртбурчак шаклидаги қадағичга уланган бўлиб, қадағичнинг пастки қисмида тилла рангида дафна япроқлари тасвири ўрнатилган. Қадағичнинг юқори қисми уч қиррали қаварик ёйсимон кўринишида тасвирланган.

Қадағичнинг эни – 25 миллиметр, бўйи – 40 миллиметр. Қадағичнинг чап томони 10 миллиметрли кўк ва ўнг томони 10 миллиметрли яшил рангдаги шойи мато билан қопланган. Матонинг ўртасида эни 2 миллиметрли оқ рангли йўл вертикал ҳолатда ўтган.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

“Kinematografiya fidokori” kўkrak nišoni

M 1:1



Ø 34

M 2:1



Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “31” августдаги 480-сон қарорига
3-илова

“Кинематография фидокори” кўкрак нишони гувоҳномасининг ТАВСИФИ

“Кинематография фидокори” кўкрак нишони гувоҳномаси (кейинги ўринларда – гувоҳнома) 160x110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв.м. қалинликдаги офсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташқи томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) кўк рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувоҳноманинг биринчи бети эни 7,5 миллиметрли, ички бурчаклари айлана шаклида бўлган тўқ кўк рангли ҳошия билан ўралган.

Гувоҳноманинг юқори чеккасидан (биринчи бети) 35 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 3,5 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “KINEMATOGRAFIYA”, иккинчи сатрда “FIDOKORI” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 14 кегль), учинчи сатрда “ko‘krak nishoni” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 14 кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 6 миллиметр пастда “GUVOHNOMASI” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 17 кегль) сўзи ёзилган.

Ёзувлар тўқ кўк рангда акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) “Тангир” тасвири туширилган оч ҳаво рангда бўлиб, офсет усулида чоп этилган.

Ички томонининг чап қисмида (иккинчи бети), марказда, кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамдаги рангли тасвири акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда, “GUVOHNOMA” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзи ҳамда гувоҳноманинг тартиб рақами учун “№” белгиси ва 15 миллиметрли чизик жойлашган.

“GUVOHNOMA” сўзидан 11 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизик тортилган.


Пастки чизикдан 6 миллиметр қуйида, марказда, оралиғи 2 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “O‘zbekiston Respublikasi”, иккинчи сатрда “Kinematografiya agentligining” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда оралиғи 4 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “20__ у. “__” _____dagi”, иккинчи сатрда “__-sonli buyrug‘iga asosan” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 5 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “KINEMATOGRAFIYA”, иккинчи сатрда “FIDOKORI” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 12 кегль), учинчи сатрда “ko‘krak nishoni bilan mukofotlandi” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Сўнги сўзлардан 9 миллиметр пастда, чап томонда “Bosh direktor” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзи ёзилган.

**“Kinematografiya fidokori” kўkrak nişoni
губоҳномаси**



**«KINEMATOGRAFIYA
FIDOKORI»**

ko'krak nishoni

GUVOHNOMASI

GUVOHNOMA № _____

_____ (familiyasi)

_____ (ismi)

_____ (otasining ismi)

**O'zbekiston Respublikasi
Kinematografiya agentligi
bosh direktorining**

20__ y. «__» _____ dagi

_____ -sonli buyrug'iga asosan

«KINEMATOGRAFIYA FIDOKORI»

ko'krak nishoni bilan mukofotlandi

Bosh direktor

